

**Т.С.Расулов – ТДШИ профессори,  
Қ.Б.Шарипов – ТДИУ катта үқитувчиси**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ТАРКИБИЙ  
ЎЗГАРТИРИШЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ ИШЛАБ  
ЧИҚАРИШИНИ ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ОЗИҚ-ОВҚАТ  
ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ**

Уибу мақолада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг моҳияти, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгартиришиларни чуқурлаштириши орқали ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириши, қишлоқ хўжалигининг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришининг бешта устувор йўналишилари бўйича Ҳаракатлар Стратегиясида белгиланган “таркибий ўзгартиришиларни чуқурлаштириши ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини муттасил ривожлантириши, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотни ишлаб чиқаришини кенгайтириши, аграр секторининг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириши” каби масалаларнинг моҳияти очиб берилган.

В этой статье обсуждается важность обеспечения безопасности пищевых продуктов, за счет углубления структурных изменений в сельскохозяйственном производстве, роль сельского хозяйства в экономике страны, развития Республики Узбекистан на 2017-2021 «определены пять приоритетных областей для разработки стратегий и углубления структурных изменений в сельскохозяйственном производстве устойчивого развития страны, дальнейшего укрепления продовольственной безопасности страны, экологически чистого расширение производства, значительное увеличение экспортного потенциала аграрного сектора».

*This article discusses the role of food security in Uzbekistan, consistent development of agriculture through deepening structural transformations in agriculture, the role of agriculture in the economy of the country, the “Strategic Plan for the Development of the Republic of Uzbekistan in 2017-2021” sustainable development of the country, further strengthening of food security of the country, ecologically clean expansion of production, considerable increase of export potential of the agrarian sector”.*

**Калит сўзлар:** озиқ-овқат хавфсизлиги, таркибий ўзгартиришилар, иқтисодий ўсиш, ЯИМ, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини муттасил ривожлантириши, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, аграр сектор, экспорт салоҳияти

Қишлоқ хўжалиги тармоғи мамлакатимиз аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига, қайта ишлаш саноати тармоқларини эса хомашёга бўлган

талабини қондириш билан бирга, экспорт салоҳиятини мустаҳкамлашнинг истиқболли манбаларидан бири саналади.

Озиқ-овқат хавфсизлиги бу иқтисодиётнинг шундай ҳолати бўлиб, бунда жаҳон бозорлари тебранишларидан қатъий назар бир томондан, илмий асосланган кўрсаткичларга мос миқдорларда, иккинчи томондан тиббий меъёрлар даражасида истеъмолни қондириш учун шарт-шароит яратилган ҳолда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш кафолатланади [8].

Хозирги кунда озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи глобал иқтисодий муаммога айланиб бормоқда. Бу борада мамлакатимизнинг Биринчи Президенти И.А.Каримов “Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўтказилаётган халқаро эксперт тадқиқотлари жаҳонда ва унинг айrim минтақаларида ушбу муаммо билан боғлиқ мураккаб вазият юзага келаётгани жиддий ташвиш ва хавотир уйғотаётганини кўрсатмоқда. Бугунги кунда мазкур муаммо жаҳон ҳамжамияти учун ўта долзарб ва жиддий таҳдидлар қаторига киритилмоқда.


БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда дунёда 840 миллиондан ортиқ киши, яъни деярли ҳар саккиз одамнинг бири тўйиб овқатланмаяпти, сайёрамиз аҳолисининг 30 фоизидан зиёди тўлақонли равишда овқатланмаслик, энг асосий микроэлемент ва витаминлар этишмаслиги муаммосини бошидан кечирмоқда. Ана шундай сабаблар туфайли 160 миллиондан ортиқ бола бўйининг ўсиши, жисмоний ва интеллектуал ривожланишига доир камчиликлардан азият чекмоқда” [3] деб таъкидлаб ўтган эди.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масаласи республикамиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилмоқда. Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш бўйича жуда улкан ва арзигулик ишлар амалга оширилди. Ишлаб чиқаришга янги техника ва илғор технологияларни жорий этиш ишлари йилдан-йилга жадаллашиб, чекланган ер ва сув ресурсларидан, капиталдан ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги юксалмоқда.

Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишлиланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқида “Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари, ҳеч шубҳасиз, биз учун энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолади. Энг аввало, агросаноат комплекси ва унинг локомотиви, яъни ҳаракатга келтирувчи кучи бўлган қўп тармоқли фермер хўжаликларини изчил ривожлантиришга катта эътибор қаратилади” деб таъкидлаб ўтди [4].

Мамлакатимизда аграр соҳада амалга оширилаётган туб иқтисодий ислоҳотлар ва таркибий ўзгаришлар натижасида ўтган 2000-2016 йиллар оралиғида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўртacha йиллик ўсиш суръатлари ошиб бориш динамикасига эга бўлди. Хусусан, бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан ҳисоблаганда 2000-2016 йилларда ўртacha 6 %дан юқори бўлди

ошди. Кейинги йилларда мамлакат ялпи ички маҳсулотида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти салмоғининг камайиб бориш тенденцияси кузатилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра 2000 йилда ялпи ички маҳсулот таркибида қишлоқ хўжалигининг салмоғи 30,1 % га teng бўлган бўлса, 2016 йилда бу кўрсаткич 17,6 % гача пасайган (1-расм).



### **1-расм. Республикада қишлоқ хўжалиги ривожланишининг асосий макроиктисодий кўрсаткичлари, фоизда**

Бу ҳолат мамлакатимизда саноатнинг индустрисал тармоқлари ҳамда хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш борасида амалга оширилаётган чуқур таркибий ўзгаришлар натижалари билан изоҳланади.

Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар Стратегиясида “таркибий ўзгаришишларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни муттасил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторининг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш” [2] лозимлиги тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтган.

Аграр соҳада таркибий ўзгаришишларни чуқурлаштириш орқали ишлаб чиқаришни изчил ривожлантириш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, қайта ишлаш саноатини хомашё билан узлуксиз таъминлаш орқали мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторининг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш истиқболда амалга оширилиши кўзда тутилган энг муҳим вазифалар ҳисобланади.

Биринчи навбатда 2016-2020 йиллар оралиғида пахта хомашёси етиштириладиган майдонларни 170,5 минг гектарга ва сугориладиган ғалла майдонларини 50,0 минг гектарга қисқартириш ҳисобига картошка майдонини 36,0 минг, сабзавотлар майдонини 91,0 минг, интенсив боғлар майдонини 18,0 минг, озуқа экинларини 50,3 минг, мойли экинларни 14,0 минг ва

узумзорларни 11,2 минг гектарга кенгайтириш билан боғлиқ экин майдонларини янада оптималлаштириш ишлари амалга оширилади. Шу билан бир қаторда экинларга ишлов беришнинг илғор агротехнологияларини, юқори унумдорликка эга техникалар ва машиналарни ҳамда сугоришнинг замонавий усулларни қўллаш натижасида экинлар ҳосилдорлигини пахтада 26,1 дан 26,9 ц/га (+ 0,8), бошоқли донларда 54,9 дан 66,4 ц/га (+ 11,5), картошкада 218,9 дан 230,5 ц/га (+ 11,6), сабзавотларда 277,1 дан 294,0 ц/га (+ 16,9), меваларда 123,9 дан 140,4 ц/га (+ 16,5), токзорларда 126,7 дан 137,1 ц/га (+ 10,4) ошириш кўзда тутилмоқда (1-жадвал).

### **1-жадвал**

#### **Республикада 2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалиги экин майдонларини кенгайтириш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш прогноз кўрсаткичлари [1]**

Қишлоқ хўжалиги экинлари	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2020 й. 2015 й.га нисбатан ўзгариш	
							+,-	%да
<b>Майдони, минг гектар</b>								
Пахта	1 285,5	1 255,0	1 221,0	1 187,0	1 151,0	1 115,0	– 170,5	86,7
Бошоқли дон	1 329,5	1 329,5	1 319,5	1 304,5	1 289,5	1 279,5	– 50,0	96,2
Картошка	80,3	85,3	92,5	100,5	108,8	116,3	+ 36,0	144,8
Сабзавотлар	192,0	204,6	222,7	243,0	264,0	283,0	+ 91,0	147,4
Мевазор боғлар	261,9	264,4	268,0	272,0	276,1	279,9	+ 18,0	106,9
Озуқа экинлари	309,1	316,1	326,1	337,3	348,9	359,4	+ 50,3	116,3
Мойли экинлар	14,3	16,2	19,0	22,1	25,4	28,3	+ 14,0	197,9
Токзорлар	144,0	145,5	147,8	150,3	152,9	155,2	+ 11,2	107,8
<b>Хосилдорлик, ц/га</b>								
Пахта	26,1	26,2	26,3	26,5	26,7	26,9	+ 0,8	103,1
Бошоқли дон	54,9	60,9	62,5	63,6	65,1	66,4	+ 11,5	120,9
Картошка	218,9	224,3	226,0	227,5	229,0	230,5	+ 11,6	105,3
Сабзавотлар	277,1	286,1	288,5	290,0	292,0	294,0	+ 16,9	106,1
Мевазор боғлар	123,9	126,4	129,4	132,9	136,6	140,4	+ 16,5	113,3
Озуқа экинлари	225,0	228,0	231,0	234,0	237,0	240,0	+ 15,0	106,7
Мойли экинлар	17,0	18,0	19,0	20,0	21,0	22,0	+ 5,0	129,4
Токзорлар	126,7	127,9	129,9	132,1	134,6	137,1	+ 10,4	108,2
<b>Маҳсулот ишлаб чиқариш, минг тонна</b>								
Пахта хомашёси	3 350	3 287	3 217	3 147	3 074	3 000	– 350,0	89,5
Бошоқли дон	7 305	8 100	8 250	8 300	8 400	8 500	+ 1 195,0	116,3
Картошка*	2 670	2 833	3 010	3 206	3 411	3 601	+ 931,0	134,9
Сабзавотлар*	9 923	10 458	11 031	11 651	12 314	12 925	+ 3 002,2	130,2
Мевалар	2 731	2 874	2 982	3 109	3 244	3 380	+ 648,6	123,8
Озуқа экинлари*	18 725	18 976	19 303	19 662	20 039	20 396	+ 1 670,6	108,9
Мойли экинлар*	98	110	125	132	145	160	+ 62,0	163,3
Узум	1 556	1 601	1 651	1 707	1 769	1 830	+ 273,9	117,6

\* қайта экиш ва лалми ерларни хисобга олган ҳолда.


Экин майдонлари таркибини оптималлаштириш ва ҳосилдорликни ошириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмини сезиларли даражада

ошишига олиб келади. Жумладан, 1-жадвалда келтирилганидек, 2016-2020 йиллар давомида бошоқли дон етиштириш ҳажми 1 195,0 минг, картошка 931,0 минг, сабзавотлар 3 002,2 минг, мевалар 648,6 минг ва узум 273,9 минг тоннага кўпаяди ва мамлекатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга замин яратади.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида биргина 2017 йилнинг ўзида пахта экин майдонларини 49 минг гектарга ва ғалла майдонларини 10 минг гектарга қисқартириш ҳисобига қисқартирилган экин майдонларининг 8,1 минг гектарига картошка, 27,2 минг гектарига сабзавот, 5,9 минг гектарига интенсив боғ, 2,9 минг гектарига токзор,— 10,9 минг гектарига озуқа экинлари ва 4 минг гектарига мойли экинларни жойлаштириш кўзда тутилган. Бу тадбирлар натижасида паст рентабелли экин майдонларида пахта ва ғалла етиштиришдан кўриладиган зарарни 80 млрд. сўмга қисқартириш, қўшимча 1 млн. тоннага яқин мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш, худудларда 48,5 мингдан ортиқ янги иш ўринларини ташкил қилиш натижасида ушбу экин майдонларида банд бўлган аҳоли сонини 75,6 мингга етказиш, мева-сабзавот маҳсулотлари экспортни ҳажмини 2 баробар ошириш имкони яратилади [5].

Замонавий агротехнологиялар асосида юқори ҳосилдорликка эга бўлган, эртапишар ҳамда ширин таъмга эга пакана ва яrim пакана дараҳтларни экиш орқали интенсив боғ ва узумчиликни ривожлантириш ва дунё бозорларида харидоргир экспортбоп мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш энг муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг маълумотларига кўра 2011-2016 йиллар давомида боғдорчиликда янги агротехнологиялар асосида 31 308 гектар юқори ҳосил берадиган пакана ва яrim пакана интенсив мевали боғлар яратилган (2-расм).



**2-расм. Республикамизда 2011-2016 йилларда пакана ва яrim пакана интенсив мевали боғлар барпо этиш кўрсаткичлари.**

Ҳаракат стратегияси бўйича бу йўналишда фермер хўжаликлари маблағлари, тижорат банклари кредитлари ҳисобига жами 532 346,0 млн. сўм маблағ сарфлаш эвазига қўйидаги тадбирларни амалга ошириш белгиланган:

- 13 минг гектар майдонда янги интенсив боғ ва 7,3 минг гектар токзорлар ташкил қилиш ҳамда 15,4 минг гектар боғ ва 9 минг гектар токзорларни реконструкция қилиш;
- мавжуд паст рентабелли боғ ва токзорларни босқичмабосқич, йилига 10 фоиздан ёки 26,4 минг боғ ва 14,1 минг токзорларни интенсив усулга ўтказиш эвазига 2020 йилга бориб уларнинг салмоғини 30 фоизга ошириш;
- мевали боғлар ҳосилдорлигини камидан 3-4 марта ошириш;
- янги ташкил этилаётган ва мавжуд интенсив боғ ва токзорларга босқичмабосқич йилига 5,7 минг гектардан томчилатиб суғориш тизимини жорий қилиш;
- республика тупроқ-иклим шароитига мос пакана ва ярим пакана дараҳт қўчатлари ва пайвантаклари етиштириш ҳажмини камидан 7000 мингтага ошириш;
- истиқболли ва дунё бозорларида талаб юқори бўлган экспортбоп интенсив боғ мевалари қўчатларининг навларини синаш ва уларни республика ҳудудида экишга тавсия этиладиган қишлоқ хўжалиги экинлари Давлат реестрига киритиш ва бошқалар.

Қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширишда уруғчилик-селекция ва нав танлашнинг аҳамияти катта. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг маълумотларига қараганда мустақиллик йилларида мамлакатимиз олимлари томонидан мевали, резавор мевали, ёнғоқсимон, субтропик, цитрус ўсимликлар ҳамда узумнинг янги навларини яратиш, маҳаллий ва интродукция қилинган навларни ўрганиш, парваришлиш технологияларини ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш бўйича кенг миқёсда тадқиқотлар олиб борилди. Натижада Марказий Осиёда биринчи бўлиб селекцион йўл билан уруғли, данакли, резавор, ёнғоқ мевали экинлар селекцияси йўлга қўйилиб, янги навлар яратишга асос солинди. Кўп йиллик илмий тадқиқотлар туфайли 170 дан ортиқ мева-узум навлари яратилиб, уларнинг саксонга яқини Давлат реестрига киритилди. Ҳозирги кунда мева, сабзавот, картошка ва полиз навларининг 709 тури Давлат реестрига киритилган бўлиб, уларнинг 189 тасини маҳаллий навлар ва 520 тасини чет эл навлари ташкил этади [5].

## 2-жадвал

### Ўзбекистон Республикаси Давлат реестрига киритилган мева, сабзавот, полиз ва картошка навлари [6]

Кўрсаткич	Жами	шу жумладан:	
		маҳаллий навлар	чет эл навлари
Экин навлари тури	709	189	520

Харакатлар стратегияси бўйича 2017-2021 йилларда бу йўналишда:

- республика тупроқ-иклим шароитига мос, курсоқчиликка, шўрликка, иссиқликка ва касалликларга чидамли қишлоқ хўжалиги

экинлари навлари ва ҳайвонот турларини яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш;

– генномаут биотехнологиялари асосида истеъмолчилар соғлиғига салбий таъсирчанлигини исботлаган ҳолда, ҳар хил тупроқ-икклим зоналарига мос эртапишар ва юқори ҳосилли қишлоқ хўжалик экин навларини яратиш вазифалари белгиланган [2].


Чорвачилик тармоғини модернизациялаш ва жадал ривожлантириш бутун аграр тармоқни ривожлантириш стратегиясининг муҳим қисмидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-2460-сонли “2016-2020 йиллар даврида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида 2016-2020 йилларда йирик шохли қорамолар бош сонини 3 165 минг бошга, қўй ва эчкилар бош сонини 4 281 минг бошга ва паррандалар бош сонини 31 200 минг бошга ошириш вазифалари белгиланган. Бунинг натижасида шу йиллар оралиғида гўшт ишлаб чиқариш ҳажми (тирик вазнда) 519,0 минг, сут 4 177,0 минг, балиқ 90,0 минг, асал 13,7 минг тоннага ва тухум 4 100,0 млн. донага ошади.

### 3-жадвал

#### Республикада 2016-2020 йилларда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини оширишнинг прогноз кўрсаткичлари [1]


Кўрсаткичлар	2015	Прогноз кўрсаткичлар					2020 й. 2015 й.ганислб. ўзгариш
		2016	2017	2018	2019	2020	
<b>Чорва моллари бош сони, минг бош</b>							
Йирик шохли қорамолар	11 635	12 150	12 720	13 350	14 050	14 800	+ 3 165 127,2
Қўй ва эчкилар	18 906	19 600	20 380	21 240	22 170	23 187	+ 4 281 122,6
Парранда	60 800	64 600	69 500	75 500	83 000	92 000	+ 31 200 151,3
<b>Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, минг тонна</b>							
Гўшт (тирик вазнда)	1 981	2 060	2 150	2 260	2 375	2 500	+ 519 126,2
Сут	8 823	9 478	10 242	11 075	11 957	13 000	+ 4 177 147,3
Тухум, млн. дона	3 500	6 200	6 900	7 700	8 600	9 600	+ 4 100 274,3
Балиқ	60	75	90	110	130	150	+ 90 250,0
Асал	9,3	11,0	13,0	15,5	19,0	23,0	+ 13,7 247,3

Кейинги чорвачилик тараққий этган мамлакатлардан зотдор молларни олиб келиб, урчитишни ташкил этишга жиддий эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг маълумотларига қараганда, 2006-2016 йиллар мобайнида Украина, Белоруссия, Польша, Австрия, Германия, Голландия ва бошқа Европа мамлакатларидан 69 175 бош маҳсулдорлиги юқори насли моллар келтирилган.



**3-расм. Республикаизга хорижий мамлакатлардан келтирилган наслли қорамоллар бош сони.**

Чорва молларини турли касалликлардан асраш, наслини яхшилаш ва маҳсулдорлигини ошириш мақсадида республикада 2016 йилда 2616 та зооветеринария пунктлари томонидан зооветеринария хизматлари кўрсаилган ва 2465 минг бош сигир ва ургочи таналар сунъий уруғлантирилган, қорамолчилик йўналишида наслчилик тоифасидаги хўжаликлар сони 610 тага етказилган, улар томонидан 7677 бош наслли моллар тайёрланиб, аҳоли ва чорвачилик фермер хўжаликларига аукционлар орқали сотилган. 2016-2020 йилларда янгидан 1533 наслчилик хўжаликларини ташкил этиш режалаштирилган.



**4-расм. Республикада 2016-2020 йилларда қорамолчилик йўналишидаги наслчилик хўжаликларини ташкил этишининг прогноз кўrsatkiчлари.**

Ҳаракатлар стратегияси бўйича 2017-2021 йилларда чорвачиликни янада ривожлантириш йўналишида куйидаги вазифаларни амалга ошириш белгиланган:

- чорвачилик ва ветеринария бўйича меъёрий-хукуқий хужжатларни такомиллаштириш;
- наслчилик базасини ривожлантириш, наслчилик хўжаликлари негизида замонавий селекция-генетик марказлар ташкил қилиш ҳамда уларнинг техник ва технологик жиҳозланиш

даражасини ошириш, наслчиликда илмий тадқиқот ишларини кенгайтириш;

– чорвачиликнинг озуқа базасини яратиш, озуқа экинлари етиштириладиган майдонларни кенгайтириш, озуқа ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларнинг уруғчилигини ташкил қилиш, чорвачиликни сифатли озукалар, биоқўшимчалар, витаминлар, макро-микро элементлар ва бошқа озуқа бирликлари билан таъминлаш;

– ветеринария хизматларини яхшилаш ва эпизотик ҳолатнинг барқарорлигини таъминлаш, ветеринария лабораторияларини моддий-техник жиҳозлашга давлат бюджетидан 21 400,0 млн. сўм сарфлаш;

– ветеринария меъёрлари ва қоидаларини такомиллаштириш ҳамда ветеринария препаратларини ва озуқа қўшимчаларини сертификатлашни бир хил қоидаларга келтириш

– замонавий ишлаб чиқариш технологияларини жорий қилиш орқали йирик паррандачилик корхоналарининг тўлиқ ишлаб чиқариш қувватлари билан ишлашини таъминлаш, уларни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш;

– чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш даражасини ошириш, янги турдаги тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш тизимини рағбатлантириш;

– соҳани юқори малакали кадрлар, айниқса, зоотехник ва ветеринарлар билан таъминлаш, шунингдек, малакали чет эл мутахассисларини жалб қилиш [2].

Булар натижасида 2020 йилга бориб 2016 йилга нисбатан, парранда бош сонини 42,4%, гўшт ишлаб чиқаришни 21,4% ва тухумни 39%га ўстириш кутилмоқда.

Бугунги кунда озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи бутун жаҳонни ташвишга solaётган глобал муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотининг (FAO) маълумотларига қараганда ҳозирда дунёдаги жами аҳолининг қарийб 30 %и тўйиб овқат емасликдан қийналмоқда. Шундай шаротда республикамида аҳолини сифатл ва етарли миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш орқали мамлакатимизнинг озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш борасида салмоқли натижалар қўлга киритилди. Жумладан, агар 1990 йилда барча турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича аҳоли жон бошига ҳисоблаганде меъёрга нисбатан оз истеъмол қилинган бўлса, 2015 йилга келиб меъёрга нисбатан истеъмол ҳажми гўштда 105,40, сут маҳсулотларида 194,90, картошкада 104,4 фоизни, сабзавотда ва полизда 221,3 фоизни ташкил этди.

#### 4-жадвал

### Ўзбекистонда аҳоли жон бошига асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш қўрсаткичлари [4]

Озиқ-овқат маҳсулотларининг турлари	Минимал истеъмол мөъёри, кг/киши	1990	2000	2010	2015	2015 йил	
		йил	йил	йил	йил	мөъёрга нисб., %да	1990 й.га нисб, %да
Гўшт ва гўшт маҳсулотлари	40,2	31	34	38	42,5	105,7	137,1
Сут маҳсулотлари	136,7	183	162	239	266,4	194,9	145,6
Тухум, (дона/киши)	292	97	47	138	230,4	78,9	237,5
Сабзавот ва полиз	128,8	107	128	238	285	221,3	266,3
Картошка	54,6	29	36	45	57	104,4	196,6
Ўсимлик ёғи ва бошқа мойлар	7,3	12	12	13	22	301,4	183,3
Шакар	19,4	12	16	17	28	144,3	233,3
Мева ва узум	90,6	23	42	83	145	160,0	6,3

Ҳаракат стратегиясида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, ички бозорда уларга бўлган нархлар кескин ошишининг олдини олиш мақсадида куйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш белгилаб берилган:

- 2017 йилда сабзавотлар ишлаб чиқариш ҳажмини 105,7, картошкани 106,3, полизни 106,1, мевани 106,0, узумни 105,7, гўштни 105,6, сутни 108,1, тухумни 111,3, балиқни 120,0 ва асални 118,2 %га ошириш;
- 394 гектар майдонга 503 та иссиқхона хўжаликлари ва 6885 та аҳоли шахсий томорқаларидаги 176 гектар майдонда иссиқхоналар қуриш;
- аҳоли томорқалари ва дехқон хўжаликларида муқобил электроэнергия манбаларидан фойдаланадиган енгил конструкцияли иссиқхоналар, кичик паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик хўжаликларини тузиш, бошқа юқори самарали ва юқори даромадли маҳсулотларни ишлаб чиқаришда амалий ёрдам қўрсатиш;
- шахсий томорқалардан самарали ва оқилона фойдаланиш, юқори ҳосил ва даромад олиш бўйича замонавий технология ва тажрибаларни тарғибот қилиш ҳамда тарқатиш;
- ҳўл мева ва қайта ишланган маҳсулотларни сақлаш ва экспортга жўнатиш мақсадида умумий ҳажми 132,2 минг тонналик 184 та музлаткичли омборларини ташкил қилиш ва 1,4 минг тонналик 4 та музлаткичли омборларни модернизация қилиш,

музлаткичли омборларнинг умумий ҳажмини 632 минг тоннага етказиши ва 1000 та янги иш ўринларини яратиш;

– алмашлаб экиш тартибини қўллаган ҳолда, узоқ муддатга қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштиришни режалаштиришга ўтиш асосида тупроқ унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш харажатлари ва таннархни камайтириш.

Кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш истиқболда қишлоқ хўжалигини барқарор ва самарали ривожлантиришнинг муҳим омилларидан биридир. Улар нафақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, балки уларни чукур қайта ишлаш, аҳолига турли ишлар ва хизматлар кўрсатиш билан ҳам шуғулланиши мақсадга мувофиқ. Бу уларнинг молиявий барқарор-лиги ҳамда тўловга қобиллигини мустаҳкам-лаб, рақобатбардошлигини оширишга ёрдам беради. Республикаизда кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш бўйича дастурлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2017 йилда қабул қилинган дастур кўрсаткичлари кўйида келтирилган.

Келтирилган жадвал маълумотларидан маълумки, 2017 йилда жами 23 846 фермер хўжалигига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, турли хизматлар кўрсатиш, интенсив боғлар ва токзорлар яратиш, чорвачилик тармоқларини ривожлантириш бўйича умумий қиймати 1762203 млн. сўм бўлган 25 506 та лойиха амалга оширилади.

Ҳаракатлар стратегиясида кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларнинг иқтисодий самарадорлиги ва молиявий барқарорлигини таъминлаш учун қуидагиларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда:

- кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолияти меъёрий-хуқуқий асосларини яратиш, уларни давлат томонидан, ш.ж., имтиёзли кредитлаш билан қўллаб-куватлаш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш ва сотишда фермер хўжаликлари кооперациясини ривожлантириш, қишлоқ жойларда маҳсулот ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш бўйича кичик корхона ва уларнинг бўлимларини ташкил этиш;
- қишлоқ хўжалигини молиялаштириш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар билан ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштириш [2].

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга омиллардан бири саналади. Чунки, республикаизда мавжуд суғориладиган экин майдонларининг 50 %га яқинини у ёки бу даражада шўрланган ерлар ташкил этади. Кейинги йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича йирик давлат дастурлари амалга оширилмоқда. Жумладан, 2008-2016 йиллар давомида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини

яхшилаш дастурларини амалга оширишга давлат бюджетидан жами 2 011,37 млрд. сўмлик маблағлар ажратилди.



**5-расм. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирларларига 2008-2016 йилларда давлат бюджетидан ажратилган маблағлар, млрд. сўмда**

Натижада 2015 йилда 2001 йилга нисбатан шўрланмаган ерлар 17,3 фоизга, кучсиз шўрланган ерлар 10,9 фоизга ошиб, ўртacha шўрланган ерлар 34,3 фоизга ва кучли шўрланган ерлар 48,0 фоизга қисқарди.

**5-жадвал**  
**Республика бўйича 2001-2015 йилларда суғориладиган ерлар шўрланиш даражасининг ўзгариши [7]**

Ер турлари	Ўлчов бирлиги	2001 йил		2015 йил		2015 й. 2001 й.га нисб. ўзгариш, (+, -)	
		майдон и	% да	майдон и	% да	майдонид а	% да
Шўрланмаган	минг га	1928,0	45,4	2261,7	52,5	+ 333,7	+ 7,1
Кучсиз шўрланган	минг га	1212,9	28,5	1344,7	31,2	+ 131,8	+ 2,7
Ўртacha шўрланган	минг га	893,3	21,0	586,9	13,6	- 306,4	- 7,4
Кучли шўрланган	минг га	218,4	5,1	113,5	2,7	- 104,9	- 2,6
<b>Жами</b>	<b>минг га</b>	<b>4252,6</b>	<b>100</b>	<b>4306,8</b>	<b>100</b>	<b>+ 54,2</b>	

Ҳаракат стратегиясида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, ирригация ва мелиорация объектларини ривожлантириш, уларнинг хавфсиз ва баркарор ишлишини таъминлаш, сув ресурсларидан оқилона ва тежамли фойдаланиш ва шу асосда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш барқарорлигига эришиш учун куйидагиларни амалга ошириш кўзда тутилган [5]:

- 734,9 км магистрал, туманлааро, хўжаликлараро коллекторларни, 348,3 км ёпиқ-ётиқ дренаж тизимларини, 6 дона мелиоратив насос станцияларини, 79 дона мелиоратив тик қудуқларни, 131 дона мелиоратив объектлардаги гидротехник иншоотларни қуриш ва реконструкция қилиш;
- 14537,2 км очиқ коллерторларни, 1330,5 км ёпиқ-ётиқ дренаж тармоқларини, 15 дона мелиоратив насос станцияларини, 791 дона мелиоратив тик қудуқларни, 2277 дона мелиоратив объектлардаги тидротехник иншоатларини таъмирлаш ва тиклаш;
- 500 км каналларни, 74 км суғориш лоток тизимини, 106 дона гидротехник иншоотларни, 10 км босимли сув қувурларини, сифими 625 млн. метр кубга тенг бўлган сув омборларини қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда 0,5 км қирғоқбўйи миңтақасини ҳимоялаш;
- 142 дона мелиоратив техника ва жиҳозларни сув хўжалигида ихтисослашган пудрат ташкилотларига лизинг орқали етказиш;
- “2013-2017 йиллар давомида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш Давлат дастури” доирасида амалга оширилган ишларнинг самарадорлигини танқидий ўрганиш асосида “2018-2022 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш Давлат дастури” лойиҳасини ишлаб чиқиши.

Бу ишларга жами 905 000,0 млн. сўм, шу жумладан 457 273,0 млн. сўм давлат бюджети маблағларини сарфлаш белгиланган. Бунинг натижасида 270,5 минг гектар суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини барқарор сақлаш, 276,2 минг гектар суғориладиган ерларни сув билан кафолатли таъминлашга эришилади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш бўйича тизимли тадбирларни амалга оширилиши натижасида 2020 йилга келиб 2016 йилга нисбатан мева-сабзавот консервалари ҳажмини 79,4 %, мева шарбатларини 80,5 %, куруқ меваларни 73,1 %, гўшт ва гўшт маҳсулотларини 59,5 %, колбаса маҳсулотларини 68,8 %, сут ва сут маҳсулотларини 56,6 %, сариёғни 51,4 %, қандолат маҳсулотларини 59,9 %, ўсимлик ёғини 57,2 %, шакарни 24,0 %га, пишлоқни 2,5, гўштли консерваларни 2,4, балиқ маҳсулотларини 3,4 ва музлатилган балиқни 2,8 мартаға ошириш имконини беради.

Ҳаракат стратегияси да 2017 йилда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун халқаро молия институтларининг умумий қиймати 337,8 млн. долларга тенг маблағларни қуидаги йўналишлар бўйича ўзлаштириш қўзда тутилган:

“Осиё тараққиёт банки”нинг 150,0 млн.доллар маблагини “Қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқаришини модернизация қилиш” лойиҳасига;

“Халқаро тараққиёт ва тикланиш банки”нинг 150,0 млн.долл. маблағини “Чорвачилик секторини ривожлантириш” лойиҳасига;

“Халқаро қишлоқ хўжалиги тараққиёти жамғармаси”нинг 23,8 млн.доллар маблағини “Қашқадарё ва Жиззах вилоятларида сут маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва қайта ишлашни ривожлантириш” лойиҳасига;

“Халқаро тараққиёт уюшмаси”нинг 14,0 млн.доллар маблағини “Орол бўйи минтақасида иқлим ўзгаришга мослашиш ва оқибатларини юмшатиш” лойиҳасига.

Хуроса қилиб айтганда, қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш ва модернизациялаш бўйича белгиланган чора-тадбирлар аграр тармоқни барқарор суръатлар билан ривожланишириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш, экспорт салоҳиятини юксалтириш ҳамда халқимиз турмуш сифати ва моддий фаровонлигини оширишга хизмат қиласи.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-2460-сонли “2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ-4947-сон Фармони.

3. Каримов И.А. “Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим заҳиралари” мавзууда халқаро конференция нинг очилиш маросимидағи нутқи://Халқ сўзи, 2014 йил 7 июнь.

4. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олийжаноб халқимиз билан қурамиз. Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағищланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. Халқ сўзи, 2016 йил 15 декабрь.

5. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-оммабоп рисола. – Тошкент: “Маънавият”, 2017. – 268 б.

6. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидағи (1990-2010 йиллар) асосий тенденциялари ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2011. -87 б.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги

8. [www.icarda.org](http://www.icarda.org) - Курғокчилик ҳудудларда қишлоқ хўжалиги тадқиотлари бўйтчп халқаро маркази (ICARDA)нинг расмий сайти